

Қачон мўминнинг руҳи чиқса, икки фаришта юқорига кўтаришади | Сийрат дарслари (272-дарс)



19:00 / 08 март 1669

383. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Қачон мўминнинг руҳи чиқса, икки фаришта қабул қилиб юқорига кўтаришади.** – Ҳаммод айтди: «Унинг хушбўйини ва мушкни зикр қилди». – **«Ва осмон аҳли: «Ер тарафдан покиза руҳ келди. Аллоҳ сенга ва сен обод қилган жасадга салавот юборсин», дейишади. Шунда уни Робби азза ва жаллага олиб боришади. Сўнгра: «Уни ажалнинг охирига олиб боринглар», дейди. «Кофирнинг руҳи чиқса...»** – Ҳаммод айтди: «Унинг бадбўйини ва лаънатни зикр қилди». – **«Ва осмон аҳли: «Ер тарафдан нопок руҳ келди», дейишади. Шунда «Уни ажалнинг охирига олиб боринглар», дейилади».**

Муслим ривоят қилган.

384. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Абу Салама ўлганида: «Фариб ғурбатда ўлди. Унга бир йиғлайки, гап бўлиб юрсин», дедим. Унга йиғлашга тайёрланиб турган эдим, тепа тарафдан бир аёл йиғлашда менга ёрдамлашиш мақсадида келиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдидан чиқдилар ва икки

марта: **«Аллоҳ шайтонни чиқарган уйга сен уни киритмоқчимисан?»** дедилар. Шунда йиғлашдан тийилдим ва йиғламадим».

Муслим ривоят қилган.

385. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Саъд ибн Убода бемор бўлиб қолди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдурроҳман ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос ва Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳум билан уни кўргани келдилар. Шунда унинг олдига кириб, ҳушсиз ётганини кўрдилар. У зот: **«Қазо қилдими?»** дедилар. «Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йиғладилар. У зотнинг йиғиларини кўриб, бошқалар ҳам йиғлашди. Кейин у зот: **«Эшитмайсизларми? Албатта, Аллоҳ кўз ёши ва қалб маҳзунлиги сабабли азобламайди, балки мана бу сабабли азоблайди ёки раҳм қилади»**, дедилар ва тилларига ишора қилдилар. **«Албатта майит унга ўз аҳлининг йиғиси билан азобланади»**, дедилар. Умар розияллоҳу анҳу шундай қилганларни асо билан урар, (уларга) тош отар ва тупроқ сочар эди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.